

ЎТМИШГА НАЗАР

3 - МАХСУС СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

СПЕЦИАЛЬНЫЙ ВЫПУСК - 3

LOOK TO THE PAST

SPECIAL ISSUE - 3



Бош мухаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош мухаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

«Ўтмишга назар» илмий журнали тахририй маслаҳат кенгаши
редакционный совет научного журнала «Взгляд в прошлое»
Editorial board of the scientific journal Looking into the past

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори,
профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети

Бобожонова Дилором Бобожонова
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари
университети

Зияева Доно Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Кебадзе Мадонна
тарих фанлари доктори, Телави
давлат университети, Грузия

Аширов Адхам Азимбаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Агзамова Гулчехра Азизовна
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Бурдиашвили Майя
тарих фанлари доктори, Телави
давлат университети, Грузия

Кожакеева Ляззат Темировна
тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика
университети, Қозоғистон

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна
тарих фанлари доктори,
Тошкент кимё - технология институти

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Рахмонкулова Зумрад Бойхуразовна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Гоффоров Шокир Сафарович
тарих фанлари доктори, профессор,
Самарқанд давлат тиббиёт институти

Эргашева Юлдуз Алимовна
Тарих фанлари доктори, профессор,
Қарши муҳандислик-иқтисодиёт
институти

Теймураз Ахалмосулишвили
профессор, Телави давлат
университети, Грузия

Халикова Рахбар Эргашевна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент давлат техника университети

Ишанходжаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна
тарих фанлари доктори, доцент,
Нукус давлат педагогика институти

Мустафаева Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари доктори
Ўзбекистон Республикаси
Фанлар академияси

Джоробекова Айнуэр Эшимбековна
тарих фанлари номзоди, профессор,
Дипломатия академияси,
Қозоғистон Республикаси

Ширванова Тарана Амирага кызы
тарих фанлари номзоди, доцент
Азербайджон давлат
иқтисодиёт университети

Ерметов Аваз Абдуллаевич
тарих фанлари доктори, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Санпова Камола Давляталиевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Расулов Абдуллажон Нуриддинович
тарих фанлари доктори, профессор,
Наманган давлат университети

Ковалев Борис Николаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Россия ФА, Санкт-Петербург
Тарих институти

Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Ауанасова Алима Мусировна
тарих фанлари доктори, профессор,
Давлат тарихи институти, Қозоғистон

Бегалинова Калимаш Капсамаровна
фалсафа фанлари доктори, профессор,
Ал-Фаробий номидаги Қозоғистон
Миллий университети, Қозоғистон

Хайдаров Муродилла Махмуталиевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон миллий университети

Алиева Лале
тарих фанлари доктори,
Озарбайжон давлат университети

Исмаилова Алмаз
тарих фанлари доктори,
Догистон мустақил университети

Талапов Бахриддин Алижанович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Наманган давлат университети

Одилов Абдор Анварович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENT

1. Алима Ауанасова ҚОЗОҒИСТОН ХАЛҚ АССАМБЛЕЯСИ – МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИК ВА БИРДАМЛИКНИНГ САМАРАЛИ МОДЕЛИ.....	5
2. Максим Моисеев РОССИЯ ПОДШОЛИГИ ВА МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИ ЎРТАСИДАГИ МУНОСАБАТЛАР ТАРИХИГА ОИД ЯНГИ ТОПИЛГАН ҲУЖЖАТЛАР.....	11
3. Рахбар Холиқова TURKISTON O‘LKASIDAGI MILLIY OZODLIK HARAKATLARI TARIXIDAN (MARDIKORLIKKA SAFARBARLIK VA UNING OQIBATLARI).....	21
4. Ибройим Махкамов, Хамиджон Шахобов, Умида Носирова ЖАДИДЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ ҚАРАШЛАРИ ВА УНИНГ БУГУНГИ КУНДАГИ ТАРБИЯВИЙ АҲАМИЯТИ.....	29
5. Дурдонахон Муродова ЖАНУБИЙ ФАРҒОНА ШАҲАРСОЗЛИГИДА МАРФИЛОН. ДАСТЛАБКИ АНТРОПОГЕН ЛАНДШАФТЛАР (ЁЗМА МАНБАЛАР ВА АРХЕОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАРДА).....	36
6. Авазбек Мирзаев ФАРҒОНА ВОДИЙСИДА ПАХТА САВДОСИ ВА ТОЛАНИ МЕТРОПОЛИЯГА ТАШИБ КЕТИЛИШИ МАСАЛАЛАРИ.....	42
7. Саҳодат Муртазова “МАҚОМ” ФЕСТИВАЛИ – ХАЛҚАРО МАДАНИЙ ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ.....	48
8. Шухратжон Абдуллоев БУҒДОЙНИНГ ИЛОҲИЙЛАШТИРИЛИШИ БЎЙИЧА МОДДИЙ ВА ЁЗМА МАНБАЛАР.....	54
9. Исломбек Бобожонов ТОШКЕНТ ШАҲАР МАҲАЛЛАЛАРИДА ЁШЛАР ЎРТАСИДАГИ МАЪНАВИЙ- МАЪРИФИЙ ФАОЛИЯТДА ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИК (1991-2019 йй.).....	63
10. Бобурмирзо Ботиров ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИГА ОИД ҚУРЪОНИ КАРИМДА КЕЛГАН НОРМАЛАР ТАҲЛИЛИ.....	69
11. Хумоюн Назаров ШИМОЛИЙ БАҚТРИЯНИНГ КУШОН ДАВРИ ҚЎҲНА ШАҲАРЛАРИНИНГ ЎРГАНИЛИШ ТАРИХИДАН.....	81
12. Баҳрам Намозов ҚУТЛУҒ БАШАРОВ ИЖОДИГА НАЗАР.....	90
13. Файзулла Очилдиев XIX АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ - XX АСР БОШЛАРИДА БУХОРО АМИРЛИГИДА ИЖТИМОЙ МУНОСАБАТЛАР ВА СОЛИҚ ТУРЛАРИ.....	96


14. Turdigul Omirzakovna QORAQALPOQ XALQINING XOTIRALARIDAGI VA MEMUARLARIDAGI IKKINCHI JAHON URUSHI.....	105
15. Мухиддинжон Примов XX АСРНИНГ 60-ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОН КАРТОГРАФИЯСИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ТАРИХИГА ДОИР.....	113
16. Азиз Равшанов ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИДАГИ ЙИРИК САНОАТ КОРХОНАЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИГА ҚИСҚАЧА НАЗАР (1991-2020 йиллар).....	120
17. Гулчехра Рахимова ОЛМАЛИҚ ШАҲРИДА ЭКОЛОГИК ҲОЛАТНИНГ ЎЗГАРИШ САБАБЛАРИ.....	127
18. Екатерина Смесова ВЕРА КОМИССАРЖЕВСКАЯ ВА ТУРКИСТОН ЎЛКАСИНИНГ ТЕАТР САНЪАТИ ТАРИХИ САҲИФЛАРИДАН.....	134
19. Жасур Савриев НАВОИЙ ВИЛОЯТИДАГИ “РАБОТИ МАЛИК” ҚАРВОНСАРОЙИНИНГ ҚУРИЛИШ ЛОЙИҲАСИ ВА МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДАГИ ТАЪМИРЛАНИШ ТАРИХИ.....	140
20. Музаффар Тожибоев ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ РИВОЖЛАНИШ ЖАРАЁНЛАРИДА МИЛЛИЙ ВА УМУМБАШАРИЙ ҚАДРИЯТЛАР ТАРИХИНИНГ ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАРДАГИ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ.....	156
21. Сайёра Тураева ЧОР РОССИЯСИНИНГ ЎРТА ОСИЁГА 1840 ЙИЛЛАРДАГИ ЭКСПЕДИЦИЯЛАРИ: ГЕОЛОГИК ВА ИҚТИСОДИЙ, СИЁСИЙ АСПЕКТЛАРИ.....	163
22. Тўракул Ҳасанбоев ЖИЗЗАХ ВОҲАСИ СОҲИБҚИРОН АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИДА (ЁЗМА МАНБАЛАР АСОСИДА).....	170
23. Шермухаммат Эрназаров МИЛЛИЙ ҒОЯ ТАРҒИБОТИДА ТАРИХИЙ ВА СИЁСИЙ ОНГНИНГ АҲАМИЯТИ.....	176
24. Ахмеджон Юсупов САРИҚАМИШБЎЙИ ВА УЗБОЙ САРҲАДЛАРИ ЁДГОРЛИКЛАРИДА АРХЕОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР ТАРИХИДАН.....	185
25. Алишер Эсанов ЎЗБЕК РОМАНЧИЛИГИ АСОСЧИСИ АБДУЛЛА ҚОДИРИЙНИНГ ҲАЁТИ ВА ИЖОДИ ҲАҚИДА БАЪЗИ МУНОЗАРАЛАР.....	193
26. Миролим Бердикулов ТЎДА-1 НЕОЛИТ МАКОНИ ТОШ ҚУРОЛЛАРИ (2017-2018 йиллардаги қазилма материаллари асосида).....	197

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Тўракул Фозилжон ўғли Ҳасанбоев,
Жиззах давлат педагогика
институтини докторанти,
Jal_com@bk.ru

ЖИЗЗАХ ВОҲАСИ СОҲИБҚИРОН АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИДА (ЎЗМА МАНБАЛАР АСОСИДА)

For citation: Turakul F. Khasanboev, JIZZAKH OASIS DURING THE REIGN OF AMIR TEMUR AND TEMURIDS (BASED ON WRITTEN SOURCES). Look to the past. 2020, Special issue 3, pp.170-175

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.6583209>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада муаллиф Жиззах воҳасининг соҳибқирон Амир Темур ва темурийлар даврида тутган ўрни ҳамда аҳамиятини ўзга манбалар асосида, атрофлича ёритиб берган. Мақолада Жиззах воҳасининг қадимги қўрғон ва кентлари: Халилия кенти, Дизак (Ўрда), Зоминнинг Аччи қишлоғи, Илонўтти дараси каби ҳудудлар билан боғлиқ тарихий воқеалар ҳақида маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлар: соҳибқирон Амир Темур ва темурийлар, “Зафарнома”, “Бобурнома”, Дизак, Аччи қишлоғи, Халилия кенти, Ўрда, Работи Малик, Илонўтти дараси.

Туракул Фозилжонович Ҳасанбоев,
докторант Джизакского государственного
педагогического института,
Jal_com@bk.ru

ДЖИЗАКСКИЙ ОАЗИС ВРЕМЕН АМИРА ТЕМУРА И ТЕМУРИДОВ (НА ОСНОВЕ ПИСЬМЕННЫХ ИСТОЧНИКОВ)

АННОТАЦИЯ

В этой статье автор подробно описывает роль и значение Джизакского оазиса в период правления Амира Темура и Темуридов, основываясь на письменных источниках. В статье представлена информация о древних крепостях и поселениях Джизакского оазиса: селе Халилия, Дизак (Орда), селе Аччи Заамин, ущелье Илонотти.

Ключевые слова: Амир Темур и Темуриды, “Зафарнаме”, “Бабурнаме”, Дизак, село Аччи, село Халилия, Орда, Работи Малик, ущелье Илонотти.

Turakul F. Khasanboev,
Doctoral student of Jizzakh State
Pedagogical Institute,
Jal_com@bk.ru

JIZZAKH OASIS DURING THE REIGN OF AMIR TEMUR AND TEMURIDS (BASED ON WRITTEN SOURCES)

ABSTRACT

In this article, the author describes in detail the role and significance of the Jizzakh oasis during the reign of Amir Temur and the Temurids, based on written sources. The article provides information about the ancient fortresses and settlements of the Jizzakh oasis: the village of Khaliliya, Dizak (Orda), the village of Achchi Zaamin, the Ilonotti gorge.

Index Terms: Amir Temur and the Temurids, “Zafarnoma”, “Boburnoma”, Dizak, Achchi village, Kent of Khaliliya, Orda, Raboti Malik, Ilonotti gorge.

1. Долзарблиги:

Қадимги Шарқнинг илк маданият ўчоқларидан бири ҳисобланган Марказий Осиё минтақаси ўзининг бой ва ранг-баранг тарихи билан ҳозирги кунгача жаҳон илмий жамоатчилигини қизиқтириб келмоқда. Диёримизда кўплаб тарихий воқеа-ҳодисалар содир бўлган бўлиб, бу жараёнлар ватанимиз худудида, турли даврларда фаолият кўрсатган давлатлар, шаҳарлар, ундаги аҳолининг турмуш тарзи, ва бошқа ўзига хос моддий-маданий ҳаёт жиҳатларини ўзида акс эттирган. Ўзбекистоннинг марказида жойлашган Жиззах воҳаси ҳам ушбу тарихий жараёнларда ўз ўрни ва аҳамиятига эга бўлган маданий ўлкалардан бири ҳисобланиди.

Маълумки, XIII асрнинг 20 йилларидан бошлаб, Хоразмшоҳлар давлати ички низолар натижасида заволга юз тута бошлайди ва айни пайтдан бошлаб Чингизхон бошлиқ мўғулларнинг Мовароуннахрга истилочилик юришлари бошланади. Чингизхон истилоси даврида мўғул босқинчилари томонидан Жиззах (Дизак) шаҳрини забт этилгани ёки бу борадаги бошқа тарихий воқеалар тафсилоти ёзма манбаларда қайд этилмаган.

Мўғуллар истилосидан кейин Жиззах воҳасининг марказий шаҳарларида ҳаёт бутунлай издан чиққан бўлсада, Дизак тезда ўзини ўнглаб олади ҳамда марказий шаҳар ҳаёти ўз ўрни-Ўрдада давом этади. Жиззах Ўрдасининг муҳофаа истехкомлари билан ўраб олинган худуди сўнгги ўрта асрларда 100га. га яқин бўлган. Бу даврда яратилган ёзма манбаларда ҳам Жиззахнинг муҳим ҳарбий стратегик макон эканлиги кўплаб тилга олинган[1].

2.Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Мақола умум қабул қилинган тарихий методлар-тарихийлик, қиёсий-мантикий таҳлил, кетма-кетлик, холислик тамойиллари асосида ёритилган бўлиб, унда соҳибқирон Амир Темур ва темурийлар даврида Жиззах воҳасидаги қалъа-қўрғонлар, шаҳар-кентлар билан боғлиқ кечган тарихий воқеалар ҳақида фикр юритилади.

Ўзбекистоннинг турли тарихий географик худудларда жойлашган маданий воҳалари қадимийлигини, уларни барча ижтимоий, иқтисодий тузум ва даврлар кесимида ўрганиш даражаси бир хил ижобий кўрсаткичга эга эмас. Хусусан, Ўзбекистоннинг қарийб марказида жойлашган Жиззах воҳасининг XIV-XVI асрлар, яъни соҳибқирон Амир Темур ва темурийлар ҳукмдорлиги замони тарихи фикримизча жуда суст ўрганилган. Зеро, бу даврлар тарихига оид ёзма манбаларда Жиззах воҳаси тарихига доир маълумотлар мавжуд, шунингдек, қисман бўлсада археологик тадқиқотлар материалларидан фойдаланиш имконияти ҳам бор. Мазкур фикрлардан келиб чиққан ҳолда, ушбу мақолада Жиззах воҳасининг XIV-XVI асрлар тарихига дахлдор ёзма манбалар маълумотларини таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз.

Жиззах воҳаси халқларининг қадим тарихи, ва археологиясини илмий ўрганишга асос солган академик Я.Ғуломов воҳанинг сўнгги ўрта асрлар тарихи ҳақида қисман бўлсада фикр

билдирган. Унинг маҳаллий ва марказий вақтли матбуот воситаларида эълон қилган илмий-оммабоп мақолаларида, сўнгги ўрта асрларда ва хонликлар замонида Жиззах воҳаси ва шаҳри учун Бухоро ва Қўқон хонликлари ўртасида бўлиб ўтган тўқнашувлар, воҳанинг ҳар иккала давлат учун муҳим иқтисодий ва ҳарбий стратегик макон бўлганлиги атрофлича таъкидлаб ўтилган [2].

Тожикистон ФА академиги А. Мухторовнинг бир қатор илмий ишларида Жиззах воҳасининг сўнгги ўрта асрлардаги сиёсий, иқтисодий масалалари ҳақида ҳам қимматли фикрлар билдирилган. Хусусан, муаллифнинг XV-XVI асрдан XIX асргача Ўратепа тарихига бағишланган китобида Жиззах, Сангзор, Зомин, Ём каби шаҳар ва ҳарбий қалъа, кўрғонларнинг Ўратепа ва Хўжанд билан ўзаро алоқалари, мустақил Ўратепа беклиги давридаги сиёсий, иқтисодий аҳволи ҳақида муҳим маълумотлар келтирилган [3].

Тарихчи-олимлар Пардаев М., Пардаев А. ларнинг диссертациялари, туркум илмий мақолаларида ҳам қадим ва ўрта асрларда фаолият кўрсатган давлатлар тарихида Жиззах воҳасининг тутган ўрни, ёзма манбалар маълумотлари ҳамда уларнинг таҳлили хусусида фикр ва мулоҳазалар келтириб ўтилган.

Мустақиллик даврида Жиззах воҳаси тарихини кенг қамровда, турли мавзу ва илмий йўналишларда ўрганишга замин яратилди. Бу даврда воҳа шаҳарсозлик маданияти, қишлоқ қурилиши меъморчилиги, қадим ва ўрта асрлардаги маънавий ҳаёт масалалари, сўнгги ўрта асрлар тарихига оид изланишларнинг тош-тамали кўйилди ва бу тадқиқотлар давом эттирилмоқда.

3.Тадқиқот натижалари:

XIV асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Мовароуннаҳрдан мўғулларни ҳайдаб чиқариш ҳаракатлари бошланиб, бу ишларда Кеш доруғаси соҳибқирон Амир Темур ва унга иттифоқдош сифатида Балх ҳокими Амир Хусайнлар етакчилик қиладилар. Маълумки, 1365 йил 22 майда Чирчиқ дарёси бўйида Илёсхўжа бошлиқ мўғуллар билан иттифоқдош Амир Темур ва Амир Хусайнлар ўртасида “Лой жанги” бўлиб ўтади. Бу жангда Амир Темур ва Амир Хусайнлар келишмай ҳаракат қилганликлари туфайли мағлубиятга учрайдилар ҳамда жанг майдонини тарк этадилар. Ушбу ғалабадан сўнг Илёсхўжа ҳеч қандай қашиликларсиз Хўжанд ва Жиззах шаҳарларни эгаллаб, Самарқанд устига юриш қилади ҳамда Сарбадорлар ҳаракатининг қаттиқ қаршилигига дуч келиб, Мовароуннаҳрни ташлаб чиқиб кетишга мажбур бўлади. Бу даврда Жиззах Мовароуннаҳрнинг асосий шаҳарларини боғлаб турувчи, ҳарбий ҳаракатлар чоғида маълум бир стратегик аҳамият касб этган ҳудуд сифатида фаолият кўрсатган.

Соҳибқирон Амир Темур ва темурийлар даврида ёзилган тарихий асарларда Жиззах ва унинг атрофидаги турар-жойлар ҳақида етарли даражада маълумотлар келтирилган. Амир Темурнинг жангномалари ҳамда давлат бошқарув тарихига оид Низомиддин Шомий ва Шарафуддин Али Яздийларнинг «Зафарнома» асарларидаги Амир Хусайннинг Амир Соҳибқирон томонига лашкар тортиб келганлиги баёнида қуйидаги: “...Амир Хусайн катта бир лашкарни мукамал тартиб билан олиб чиқиб, ...Малик икки минг киши билан Сўзангаронда турди, Жаҳоншоҳ бир минг беш юз киши билан Работи Маликка келиб тушди. Яна бир минг киши Етикудук йўлининг бошига Дизакнинг Харман (мавзеи) га келиб тушди.” [4] қабалидаги фикр келтирилади.

“Зафарнома” асаридаги ушбу маълумотлар 1367-1368 йиллар воқеаларига бағишланган бўлиб, унда Амир Хусайнни Амир Темурга қарши лашкар торгани, Дизак ва унинг яқинидаги Харман мавзеи, Малик работи ҳақида батафсил маълумот берилган. Амир Темур ушбу тўқнашувда Жаҳоншоҳ лашкарларига ўнганмас зарба беради ҳамда Жиззах мавзеига қўшин қолдириб, жангни охирига етказиб қўйиш учун душманни таъқиб қилишни давом эттиради ва ғалабага эришади [5].

Низомиддин Шомий, Шарафуддин Али Яздийнинг «Зафарнома» асарлари маълумотлардан кўришимиз мумкинки, Амир Темур фаолияти давомида Жиззах воҳаси ва унинг атрофидаги ҳудудлар ҳарбий-стратегик аҳамиятга эга ҳудуд сифатида қаралган ҳамда бу даврда Соҳибқиронга тегишли асосий қўшинлардан бири Жиззахда мунтазам турган.

Амир Темур ўзининг Турон давлатини тузгач, ўз давлатининг чегараларини мустақкамлаш, ташқи душманлардан ҳимояланиш, карвон йўлларини турли йўлтўсарлардан тозалаш, хиёнатчи, сотқинларни жазолаш, ўзининг сиёсий таъсирини кенгайтириш учун ўзига хос ҳарбий юришларни амалга оширган. Амир Темур ёрдамида Олтин Ўрда тахтини эгаллаган Тўхтамишхон, кейинчалик хойинлик йўлига ўтади ва соҳибқиронга қарши очикдан-очик курашга ўтади.

Ҳижрий 790 йил охирида (милодий 1388 йил 1 декабрда) Тўхтамишхон Мовароуннаҳр устига Элийғмиш ўғлон бошчилигида катта кўшин юборди. Олтин Ўрда кўшини ўшанда ҳеч қандай қаршиликка дуч келмай, Сирдарёни кечиб ўтди ва Дизак (Жиззах)нинг Аччиқ (ҳозирги Зомин туманидаги Аччи қишлоғи-Х.Т.) деган мавзеини лашкаргоҳ қилди. Ҳазрат соҳибқирон совуқнинг шиддатига қарамай, атрофидаги бор кучни тўплаб, Дизак сари юзланди. Хўжандга етганларида амирзода Умаршайх Андижон лашкари билан келиб отасига қўшилди. Хуллас, Темурийлар кўшини Аччиқда Элийғмиш ўғлонни қуршаб олиб, тор-мор келтирдилар. Сўнг ҳазрат соҳибқирон қишнинг қолган қисмини Икар деган манзилда ўтказиб, 1389 йилнинг март ойи бошларида Тўхтамишхонга қарши юришни давом эттирди [6].

Юқорида келтирилган маълумотлардан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, Амир Темур даврида Жиззах воҳаси нафақат, алоҳида ҳарбий лашкаргоҳ, кўрғон сифатида балки жанг майдони вазифасини ўтаган ҳудуд сифатида тарихий манба ҳамда адабиётларда тилга олинган.

Муттасил олиб борилган жангу-жадаллар, кўшни мамлакатларни фатҳ этиш билан ниҳоятда кенгайиб кетган Амир Темур давлатининг ташқи қиёфаси кучли кўринсада, аммо у сиёсий жиҳатдан мустақкам эмас эди. Давлатнинг барқарорлиги соҳибқирон Амир Темур иродаси ва қилич зарби билан сақланиб турилган эди. Амир Темур вафот этгач, марҳумнинг мотам маросимлари тугар-тугамас, ворислар ўртасида тож-тахт талашуви бошланади. Соҳибқирон васиятига кўра, тахт вориси этиб унинг катта ўғли Жаҳонгирнинг фарзанди, ўша вақтлардаги Ҳиндистон ва Кобул ҳукмдори Пирмуҳаммадни тайинлаган бўлсада, бироқ Мироншоҳнинг ўғли Халил Султон Мирзо ушбу васият амалга ошиши учун тўсқинлик қилган [7]. Амир Темурнинг Ўтрорда вафот этиши Хитойга томон юришни амалга ошмай қолишига сабаб бўлди, айти бу пайтда Халил Султон Тошкентда бўлган ва бу ердаги беклар уни тахтга чиқариш ҳаракатларини бошлаб юбордилар. Халил Султон Мирзо Тошкентдан Жиззахга келиб, бироз муддат бу ерда бўлиб, мамлакат пойтахтини эгаллаш режасини тузади ва ўша пайтдаги Самарқанд доруғаси Арғуншоҳни йўлдан уриб, 1405 йилнинг 18 мартда Самарқандни эгаллаб, ўзини Мовароуннаҳрнинг олий ҳукмдори, деб эълон қилади.

Тарихдан маълумки, Амир Темур ва темурийлар даврида бунёдкорлик ишлари кенг кўламда амалга оширилган бўлиб, вайрон бўлган шаҳар ҳамда қишлоқларни тиклаш, уларга шарқнинг энг қадимий ва машҳур шаҳарларни номини бериш урф айланган. Шу билан бир қаторда шаҳар ва кентларни темурий шаҳзодалар номи билан аташ ҳам расм бўлган. Масалан, Шоҳруҳ номи билан Шоҳруҳия (Банокат шаҳри) аталганидек, Халил Султон Мирзо (1405-1409) ҳукмронлиги даври билан боғлиқ Халилия кенти номи билан аталувчи ҳудуд ҳам манбаларда тилга олинади. Халилия кенти ҳозирги Жиззах воҳасининг энг йирик ва қадимги археология ёдгорлиги Қалиятепа ўрнида бўлганлиги эҳтимолдан ҳоли эмас. Бу ерда азалдан Қалия-Мўлканлик номли қишлоқ, ҳозирда эса маҳалла ҳам мавжуд. “Бобурнома” асарида ҳам Бобур Мирзонинг Самарқанддан қайтаётган пайтида Жиззахга кириб келиши хусусида, аввал йўл ёқасидаги Халилия (Қалия) кентига тушганлиги, сўнгра воҳанинг ичкарироғида жойлашган Дизакка (Ўрдага) келганлиги ҳақида маълумотлар қайд этилган [8]. Бундан келиб чиқиб фикр билдириш мумкинки, Халилия кенти ва Қалиятепа номлари айти бир ҳудуд эканлиги, Халил Султон даврида ҳам Жиззахнинг ҳарбий мақоми бир қадар ошганлигини ўша пайтдаги ҳукмдор номи билан боғлиқ бўлган қалъа-кўрғон-Халилия кенти (Қалиятепа) кўрсатиб беради.

Халил Султон (1405-1409) ҳукмронлиги даврида Амир Темурнинг садоқатли амирлари, вилоят ноиблари, шаҳзодаларнинг кучли норозилигига ва исёнларига дуч келади.

1409 йилда Фарғона ҳокими Амир Худайдод Ўратепа ва Шоҳруҳия шаҳарларини осонгина қўлга киритиб, Жиззах орқали ўтиб, Самарқандга аскар тортади.

Худди шундай тарихий жараён, кейинчалик, яъни 1449 йилда Мирзо Улуғбек вафот этгандан сўнг бошланган ўзаро урушлар даврида Шоҳруҳнинг набираси Мирзо Абдулло ва Мироншоҳнинг набираси Абу Саид Мирзоларнинг ҳокимиятни эгаллаш учун қилган ҳаракатларида намоён бўлади. Бунда шайбоний Абулхайрхон ёрдамида Абу Саид катта қўшин билан Тошкент, Чиноз ва Жиззах орқали Самарқандга, Мирзо Абдуллога қарши юриш қилади. Бу тарихий воқеалардан кўриш мумкинки, Темурийлар даврида Жиззах воҳаси пойтахт Самарқанд учун муҳим ҳарбий-стратегик макон сифатида фаолият кўрсатган.

Темурийзода Улуғбек ҳукмдорлиги (1409-1449) Тошкент, Етисув ва Мўғулистондаги темурийларга қарши муҳолиф кучлар ҳаракатининг фаоллашув даврига тўғри келади. Шу сабабли Самарқандга ўтиш йўли Илонўтти дарасини кўриқлаш учун мудофаа занжири ҳосил қилган Жиззах воҳасидаги Қалиятепа, Ўрда, Равот, Молтоп қалъа-кўрғонлари қайта таъмирланган, ҳарбий кудрати оширилган. 1425 йилда Улуғбек жеталар юрти Мўғулистонга ҳарбий юриш қилади ва мўғул хони Шермуҳаммадхон устидан ғалаба қозонади. Бу Улуғбекнинг ҳарбий фаолиятидаги кам сонли ғалабаларидан бири, энг ёрқини ва асосийси эди [9]. Шунинг учун ҳам ушбу ғалаба ҳақидаги маълумот Сойбўйи қалъаси билан Жиззах оралиғидаги Илонўти дарасига «Темир дарвоза»нинг баланд қояларидан бирига ўйиб ёзилган ва абадиятга муҳрланган [10].

Захириддин Муҳаммад Бобур ўзининг «Бобурнома» асарида «Уструшона бир пайтлар Умаршайх Мирзо тасарруфида бўлган» деб эслатиб ўтади ва Жиззах воҳасидаги аҳоли масканлари - Дизак, Зомин, Йом, Пешағор, Ёр-Яйлок, Халилия каби кентлар, Илонўтти дараси [11] ҳақида маълумотлар келтиради. Мирзо Бобур 1500 йилда Самарқандда қолдирилган Шайбонийхоннинг кам сонли қўшинини енгиб, иккинчи марта бу шаҳар тахтини эгаллайди. 1501 йилда узоқ давом этган Самарқанд қамали туфайли очлик, юпунликка дучор бўлган, Шайбонийхондан мағлубиятга учраган Бобур кам сонли аъёнлари билан бир амаллаб Жиззахга етиб келади ва маълум муддат бу ерда туриб қолади [12]. Бу ерда юксак эътибор, меҳмоннавозлик кўрган Бобур Жиззах ва унинг атрофидаги турар-жойлар, халқнинг ҳаёти тўғрисида айрим тафсилотларни ёзиб қолдиради.

4. Хулосалар:

Юқорида келтирилган маълумотларга асосланиб, қуйидагиларни хулоса қиламиз:

1. Амир Темурнинг мўғулларга қарши кураши, ички ғанимларни бартараф қилишдаги ҳаракатлари, ўз давлатини барпо этиш фаолияти давомида Жиззах воҳаси ва унинг атрофидаги шаҳар-кентларга қулай ҳарбий-стратегик аҳамиятга эга ҳудуд сифатида қаралган, ҳамда бу даврда Соҳибқиронга тегишли асосий қўшинлардан бири Жиззахда мунтазам турган;

2. Амир Темур ўз давлати мустақамлигини сақлаш мақсадида кўплаб урушлар амалга оширган бўлиб, бу пайтда Жиззах воҳасининг шаҳар ва қишлоқларида, хусусан, Аччиқ мавзейи (Зоминнинг Аччи қишлоғи)да Соҳибқирон билан Олтин Ўрда хони Тўхтамишхонлар қўшини ўртасида машҳур жанглардан бири бўлиб ўтган;

3. Соҳибқирон вафотидан сўнг, Темурий шахзодалар ўртасидаги тахт учун курашларда Жиззах ўз ҳарбий мақомини йўқотмаган бўлиб, воҳанинг ҳарбий стратегик аҳамияти бир қадар ошганлигини, ўша давр урфи асосида шаклланган, Халил Султон номи билан боғлиқ бўлган қалъа-кўрғон Халилия кенти (Қалиятепа) деб аталувчи, турар жой манзили мисолида кўришимиз мумкин.

4. Темурий шахзодаларнинг давлат яхлитлигини таъминлаш, ташқи душман ҳужумидан ҳимоя қилиш учун қилган курашларида Жиззах воҳаси пойтахт Самарқанд мудофааси учун дастлабки марра-жангоҳ вазифасини ўтаган.

Иқтибослар/ Сноски/References:

1. Пардаев М.Ҳ., Пардаев А.Ҳ., Пардаев Ш.М. Жиззах воҳасида шаҳар маданиятининг пайдо бўлиши ва ривожланиш босқичлари (ёзма ва археологик манбалар асосида)// Ўзбекистон археологияси. Самарқанд., 2014. № 1 (8). 24б.
2. Ғуломов Я. Ғ. Жиззах тарихига доир. «Қизил Ўзбекистон», 1963й. 3 январ.
3. Мухтаров А. История Ура-Тюбе (конец XV -начало XXвв.)Москва. 1998. 278с.
4. Низомиддин Шомий. «Зафарнома».Тошкент:«Ўзбекистон»,1996.68-70б., Шарафуддин Али Яздий.«Зафарнома» Тошкент: «Ўзбекистон», 1992. 36,56-58б.
5. Ҳасанбоев Т. “Жиззах воҳасининг сўнгги ўрта асрлар тарихи манбашунослигига доир”//Жиззах воҳаси-Марказий Осиё цивилизацияси тизимида (қадимги даврлардан ҳозирги кунгача) // конф. мат. Жиззах: 2020. 69-70б.
6. Ахмедов Б. Соҳибқирон Темур (ҳаёти ва ижтимоий-сиёсий фаолияти). Тошкент:«халқ мероси»,1996.30-31б.
7. Муҳаммаджонов А. Ўзбекистон тарихи. Тошкент. «Ўқитувчи»,1999.219-221б.
8. А.Ҳ.Пардаев. “Жиззахнинг сўнгги ўрта аср тарихий географиясига оид дастлабки мулоҳазалар (ёзма манбалар ва археологик маълумотлар асосида)”// Ўзбекистон моддий маданияти тарихи.33 том.Тошкент: «Фан», 2002. 263б.
9. Аминжанова М., Желтова Г.И. “Ўзбекистон тарихидан лавҳалар”. Тошкент: «Ўқитувчи». 1974. 86 б.90
10. Ахмедов Б. “Улуғбек” . Тошкент: “Ёш гвардия”,1989. 82-83 б.
11. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. “Бобурнома”. Тошкент: «Юлдузча», 1989. 86 б.
12. Ҳасанбоев Т. “Заҳириддин Муҳаммад Бобур наздида Жиззах воҳаси”// СамДУ Ўзбекистон тарихи кафедраси, илмий мақолалар тўплами. Самарқанд, 2017. 24-26 б.

ЎТМИШГА НАЗАР

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

LOOK TO THE PAST

№SI-3 (2020)

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000